



Эмульгаторлар озик-овкатга кўшилувчи кимёвий моддалар бўлиб, уни ишлаб чиқарувчилар айрим маҳсулотларга турли максадларда кўшадилар. Эмульсиялар бир-бирига хамжинс бўлган икки суюклидан иборат моддадир. Олимлар айтишича, икки модда бир-бирига бутунлай киришиб кетмайди, балки уларда ўндан йигирма микрометргача хажмда нукталар колиб кетади. Безаш моддалари, озука аралашмалари, ускуна ёглари ва ранглар эмульгаторлар хисобланади.

Эмульгаторлаарнинг айримлари маҳсулотдан хам кимматрок бўлади. Улар маҳсулот рангининг чиройли, таъмининг ёқимли ва шаклининг гўзал бўлишини хамда ўзининг айнимаслигини таъминлаб беради. Истеъмолда энг кўп кўшиладиган эмульгатор йод бўлиб, уни буқок касаллигига карши ишлатилади. Нон маҳсулотларига кўшиладиган хамиртуриш номли эмульгаторлар уларнинг кўпчиб, юмшок бўлишини таъминлаб беради. Айрим эмульгаторлар бошка озик-овкатлардан олинади, айримлари эса ихтиро килинади. Айримлар мазкур кўшимчаларни инсоннинг саломатлигига заарли деб ўйлайдилар, вахоланки ушбу кимёвий моддаларнинг кўпи инсонлар бир неча асрлардан бери истеъмол килиб келаётган озукаларнинг ичидаги табиий равишда пайдо бўлади. Озик-овкатларга кўшиладиган кўшимчаларнинг тури юздан ортиқ бўлиб, уларни олти синфга бўлиш мумкин.

1. Сакловчи.
2. Мукаммаллаштирувчи.
3. Таъм берувчи.
4. Ранг берувчи.
5. Куйуклаштирувчи ва котиравчи.
6. Эмульсия, стабилизатор ва куйуклаштирувчилар, хамда кислота ва алкоголлар.

- Сакловчиларга мисол туз бўлиб, озик овкатларни айнитадиган бактерияларнинг пайдо бўлишидан химоя килади. Сакловчи моддалар антиоксидинларга карши бўлиб, ёғ ва ёғ моддаларининг айнишини хамда озука рангининг бузилишини олдини олади.

- Мукаммалаштирувчиларга озукалардаги “Б” витаминини күпайтириш учун күшиладиган темирлар, маъданлар ва витаминлар мисол бўла олади. “Б” витамини унга хам кўшилади. Нархи эса уннинг нархидан киммат туради. Ун ва бошка махсулотларга бу витаминни кўшиш жуда хам фойдалидир. Сутга кўшиладиган “Д” витамини болаларда учрайдиган “рахит”, “суяк мўртлиги” касалликларининг олдини олади.
- Таъм берувчи эмульгаторлар табиий мевалар ва зираворларни ўз ичига олади. Бундан ташкари уларнинг музкаймокка кўшиладиган “ванилин” га ўхшаш табиий бўлмаган кимёвийлари хам бор. “топо натрий” каби айрим моддаларнинг ўзида таъм ва хид бўлмасада, табиий озукаларнинг мазасини яхшилашга ёрдам беради.
- Ранг берувчи эмульгаторлар кимёвий озукаларни табиий озукаларга ўхшатиш учун ишлатилади. Кимёвий маргарин ишлаб чикарувчилар уни сарёгга ўхшатиш учун сарик ранг кўшадилар. Озик-овкат ишлаб чикарувчи корхоналар махсулотларни консервалаш жараёнида табиий озука рангини тиклаш учун хам айрим махсулотларга керакли рангларни кўшадилар. Апелсинга ўхшаш айрим рангли эмульгаторларни махсулотни янада чиройли бўлиши учун хам кўшадилар.
- Эмулсиялар, стабилизаторлар ва куйуклаштирувчилар эса махсулот ичидаги аралашмаларни бир бирига осонлик билан аралашиби учун ишлатилади. Музкаймокларга кўшиладиган “Алжин” эмульгатори махсулот ичидаги аралашмаларни бир- бирига кўшилиб, котишини таъминлайди. Стабилизаторлар ичida сутли шоколадга энг кўп ишлатиладиган “крожинин” махсулотни куйкумлашиб колишдан саклайди. Пектин ва желатинлар эса мева мурабблори ва коктейлларга солинади.
- Кислота ва спиртлар айрим озукаларда кимёвий мувозанатни ушлаб туришга хизмат килади. Спирт зайдун ва нўхотга ўхшаш озукалардаги кучли кислоталар таъсирини йўкотади. Лимон кислотаси мева шарбатларида чучуклик таъмини пайдо килганидек, айрим кислоталар таомларда ўзгача бир таъм пайдо килади. Карбоник кислотаси эса шарбатларни газлаштириш учун кўлланилади.

Маълум хукуматлар озик овкатларга кўшиш мумкин бўлган моддалар учун катъий чегаралар белгилайдилар. Конунлар хам озукаларга моддалар кўшиш жараёнини тартибга соладиган махсус асосларни белгилаб беради. Лекин мамлакатларда бу конунлар бир- биридан фарқ килади. Ушбу коидаларга кўра айрим озукаларга маълум моддаларнигина кўшиш мумкин. Масалан, Европа хамжамияти умумий шаклда кўлланиладиган кўшимчаларнинг Европа ва умуман дунёда заарсиз бўлганлари мундарижасини тайёрлаган. Озукаларнинг умумий холда заарсиз бўлишлиги хайвонлар устида олиб борилган тажрибаларга асосланган. Ушбу тажрибаларга таяниб инсон учун кунда озукаларга кўшиладиган моддалардан етарли микдори билиб олингандир. Бу борада энг кўп изланиш олиб бораётган ташкилот - “JECFA”дир.

### Эмульгаторларнинг хусусиятлари:

- Даволовчи моддаларни организмга яхши сингиши учун парчалаб бериш.
- Ёг ва ёгга ўхшаш хидли махсулотларда ёкимсиз таъм ва хидларни йўқ килиш.
- Дори таъсирини узайтириш хамда кобилиятига кўра функциясини орттириш.

- Сув салохияти арzon хамда даволовчи моддаларни парчаланишида кучли таъсирга эга манба хисобланади.
- Эмульгаторлар ўз таркибидаги суюклик холатига кўра иккига бўлинади:
- Сувнинг ичида ёг мавжуд бўлиши. Бунда зохирий холат эгаси сув, ичкиси эса ёгdir. Бунга сут мисол бўла олади, бу шаклда моддалардан сувни жозибадорлиги козонадиган гуммиарабикалар ишлатилади.
  - Ёгнинг ичида сув бўлиши. Бу юкоридагининг акси бўлиб, ёгнинг жозибалигини каршилайдиган жун ёги ва асал муми каби моддаларда кўлланилади. Бунга пишлок мисол бўла олади.

## ТАОМ ВА ИЧИМЛИКЛАРГА КЎШИЛАДИГАН ЭМУЛЬГАТОРЛАР

Инсон истеъмол килганда саломатлигига заарар келтирадиган, келиб чикиши номаълум бўлган, озик -овкат саноатида кўшиладиган эмульгаторларнинг шаръий хукми кандай? Бугунги кунда кўп учраётган муаммолардан бири озик-овкат ва дори-дармонларда ишлатилаётган эмульгаторларнинг хукмидир. “WIKIPEDIA” номли энциклопедия эмульгаторни шундай тарифлайди: “Озукага сифатини ўзгартириш учун, табиий рецептида бўлмаган ва максадли тайёрлов жараёнининг хар кандай боскичидан аралашма ичига кўшиладиган моддадир”. Жумладан у маҳсулотни чиройли саклаш, хиссий ва табиий сифатларини яхшилаш, яхши сакланмаслик натижасида согликка заарар келтирадиган турли захарланишлардан химоя килиш максадларида кўшилади.

Эмульгаторлар маҳсулотларнинг кўринишини чиройли килиш билан бирга мазасини хам яхшилашда катта рол ўйнайди. Эмульгаторлар каторига жуда кўп модда турларини киритиш мумкин.

Лекин айрим бир эмульгаторларнинг углеводородлар, бензопирен ва айрим анилин ранглари афлатоксиниларга ўхшаб рак касаллигига олиб борувчи модда эканлиги хеч кимга сир эмас. Селфоксимин ва метионин, хлорид азоти каби айрим моддалар ўзаро кўшилиш натижасида захар пайдо килиши бунга мисол бўлади. Мутахассис олимлар ушбу моддаларни кучукда тажрибадан ўтказишганда колики касаллигини келтириб чикарган. Бу касалликнинг келиб чикишига селфоксимин ва метионин моддалари сабаб бўлган. Бу маълумотларнинг барчаси доктор Иброҳим Афананинг эмульгаторлар хакидаги марузаларида келтирилган. Бундан ташкари ушбу моддаларнинг бир канча салбий томонлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини кискача келтирамиз:

1. Озукадаги айрим айбларни беркитишга хизмат килиши.
2. Гоҳида маҳсулотнинг сифати зохирий кўринишини чиройли килишга хизмат этиши.
3. Озик-овкат ишлаб чиқарувчилар эмульгаторларга суюниб, маҳсулотлардаги саломатликка риоя килиш шартларига бепарво бўлишлари.
4. Маҳсулотлардаги кимёвий жозибадорлик инсонларни, айникса болаларни микдордан кўп, заарар киладиган даражада истеъмол килишларига олиб бориши.

5. Айрим эмульгаторлар узок муддатли захарли таъсирга эга эканлиги.
6. Айрим бир ишлаб чикарувчилар керакли меъёрга риоя килмаслиги ва эмульгаторларнинг келиб чикишига эътибор килмаслиги. Масалан хайвон ёғидан олинган деб кайси хайвондан олинганлигига, желатинни хайвонданни ёки ўсимликдан олинганлигини эътибор килиб аникланмаслиги. Масаланинг асосий чигал томони ушбу эмульгаторларга инглизича харф билан “E” ни кўйиб, ортидан узундан узун сон кўйилишидир. Ушбу моддаларни факат тўрт асосий кисмга бўлиш мумкин.  
  
  - I. E100 дан E199 гача ранг моддалари.
  - II. E 200 E 299 гача сакловчи моддалар.
  - III. E 300 E 399 гача антиоксидантлар.
  - IV. E 400 E 499 гача эмульсия ва стабилизаторлар.

### **Дори дармон ишлаб чикаришга алокадор хукмлар**

Азхар Университети конунчилик ва шариат факультетининг фикхий масалаларни мувофикалаштириш кисми раиси, устоз доктор Абдулфаттоҳ Махмуд Идриснинг мукаддимаси

### **Бахснинг хуносаси**

Мусулмон давлатларга бошка соҳаларда бўлгани каби дори дармон саноатида хам шаръий харом бўлган нарсалар кириб келди. Бу моддалар ишлаб чикариш жараёнида бутунлай хусусиятини йукотмасдан, балки ишлаб чикарилувчи нарсалар билан аралашади холос. Улар гарчи кўринишини йўқотсада ўз хусусият ва моддаларини саклаб колади. Холбуки шариатдаги истихола номли хукм нарсани нажасликдан покликка ва харомликдан халолликка айланишига айтилади. Бу масаланинг ўзида хам уламоларнинг карашлари турлидир. Ушбу дори дармонларни ишлаб чикариш хукми муолажадаги истеъмолга бевосита бөглиkdir. Барча фуқаҳолар ишлаб чикаришда нажас ва харом кўшилиб, уларнинг айни йўқ бўлиб кетадими йўкми, даволанишда унинг ўрнини босадиган халоли мавжуд бўлса, уларга зарурат йўклигидан айрим фармацевтик маҳсулотларнинг харомлигига иттифок килишди.

Зарурат бўлганда, ундан бошка мубоҳ дорилар даволаш учун топилмаган пайтда уларни истеъмол этиш хукмида ихтилоф килишди. Ушбу фикрларнинг ичida шундай холатларда барча зарурат шартлари топилганда истеъмол килишнинг жоизлигини баён килган фикр кучлироқдир. Шундан келиб чикиб, даволаш учун халол дори дармонлар топилганда

харом ва нажосатдан иборат дори дармон махсулотларни ишлаб чикириш мумкин эмас. Аммо ушбу харом махсулотларни истеъмол килишга зарурат холати топилгандা ва барча шартлари тўла бўлса, “заруратлар микдори билан ўлчанади”, деган коидага биноан ушбу харом махсулотларни зарурат холатини у билан тўлдирадиган микдорда ишлаб чикириш албатта жоиздир. Бугун ушбу харом ва нажосатдан иборат махсулотлар ўрнини босадиган халол махсулотларни ишлаб чикириш мумкинлиги хеч кимга маҳфий эмас. Харом ё нажас аралашган махсулотларни ўрнини босадиган халол махсулотлар етарли бўлиб, дори дармон мутахассислари харом ё нажас аралашган махсулотлар ўрнини босадиган бир канча халол махсулотларни амалда кашф килдилар.

## Муқаддима

Албатта бугунги кунда замонавий илм ва фан хар соҳада бўлгани каби тиббиёт соҳасида хам жуда катта ютук ва ихтиrolарга эришди. Айникса дори-дармон соҳасида олдин маълум бўлмаган жуда кўп даволаш манбалари ва йўллари ихтиро килинди. Ачинарлиси шундаки, ушбу кашфиётларнинг аксари мусулмон бўлмаган ўлкаларда, ислом ахлоқи ва коида конунларидан узок бўлган кишилар кўлларида кашф килинмоқда. Мана шу сабабга кўра, ўз ихтиrolари ва ишлаб чикиришларида хеч кандай мусулмончилик маданиятига риоя килмаган кишиларга караб колган мусулмонлар бугунги кунда жуда кўп масалаларда бир канча муаммоларга тўкнашмокдалар. Аллоҳ таолонинг бандаларига бўлган раҳмати туфайли, У шариатда кишиларга машаккат бўлмайдиган енгил хукмларни жорий килган. Чунки шариат инсонларнинг хаёт кечиришлари йўлини тўсиш учун эмас, балки уларга енгиллатиш, хамда улардан машаккатни кўтариш максадида, ва хам хар кандай шароитда турмуш тарзлари талаб киладиган шаръий эҳтиёжларини кондириш учун келгандир. Ушбу баҳсимиз озука ва тиббиёт соҳасидаги замонавий махсулотлар туфайли айрим муаммоларни ўрганади ва айрим тавсияларни беради. Замонавий тиббиёт саноати борасидаги фикхий ижтиход самарасини кўрсатиш учун куйида ушбу баҳсга тегишли бир канча масалалар келтирилади.

1-боб: Замонавий айриб тиббий махсулотлардаги харом ёки нопок моддаларнинг хакикати.

1-фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотлардаги нопок моддалар.

1-баҳс: Чўчка аъзолари таркиби.

2-баҳс: Чўчка аъзоларида поклик муаммолари.

2-фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотлардаги маст килувчи моддалар.

3-баҳс: Тиббий саноатда спирт кўлланиши.

2-баҳс: Мастлик пайдо килишда спиртнинг таъсири.

3-баҳс: Тиббий саноатда спирт кўллашнинг заарлари.

4-баҳс: Айнан спиртнинг хукми.

5-баҳс: Мажбур бўлмаган холатда спирт аралашган махсулотларни истеъмол килишнинг хукми.

3-фасл: Замонавий айрим тиббий махсулотларда наркотик моддаларнинг кўллаш.

1-бахс: Кокаин, кодеин, героин, морфин.

2-бахс: Допинг ва кўзгатувчи моддаларнинг хакикати ва истеъмол килувчига таъсири.

3-бахс: Гипнотистик(ухлатувчи)ва седатив(тинчлантирувчи)моддалар хакикати ва истеъмол килувчига таъсири.

4-бахс: Гаплюциноген(ваҳмга солувчи)моддалар хакикати ва истеъмол килувчига тасири.

5-бахс: Ихтиёрий равишда наркотик моддаларни тановул килишнинг хукми.

2-боб: Саноатнинг нопок нарсаларни покизага, харом нарсаларни мубохга айлантиришдаги ўрни ва таъсири.

1-фасл: Истихола (нарсаларнинг кўриниши, хамда таркибий моддалари алмашуви) ва моддаларнинг бир-бирига киришиб кетиши ёки шунчаки аралashiши орасидаги фарки.

1-бахс: Истихоланинг хакикати.

2-бахс: Истихола билан кимёвий аралашув ва бирикувнинг фарки.

2-фасл: Харом ёки нопок нарсаларнинг ўзида истихоланинг таъсири.

3-фасл: Харом ёки нопок нарсаларда ишлаб чикириш натижасидаги истихоланинг таъсири даражаси.

3-боб: Харом ёки нопок нарсаларни ўз ичига олган тиббий махсулотларни ишлаб чикириш хукми

4-боб: Тиббий саноатда харом ёки нопок нарсаларнинг нечогли ўзини ўзгартираолиш имконияти

1-фасл: Тиббий саноатда чўчка каби нопок нарсаларни ишлатиш ўрнини босадиган покиза нарсалар.

2-фасл: Тиббий саноатда спирт ишлатиш ўрнини босадиган жоиз нарсалар.

### **1- боб: Нопок ва харом нарсаларнинг айрим замонавий тиббий махсулотлардаги хакикати**

Айрим тиббий махсулотлар таркиби Ислом шариатига кўра харом саналган моддаларни ўз ичига олган бўлиб, шариат уларни нопоклиги ёки маст килиши ва ё наркотик жихатидан харом килгандир. Шунинг учун куйида хозирги кундаги айрим озик-овкат ва дори-дармон ишлаб чикириш саноатларида кўшиладиган ана шундай моддаларнинг хакикати баён килинади.

1- фасл: Айрим замонавий тиббий махсулотлардаги нопок моддалар

1- бахс: Чўчка аъзолари таркиби

Тиббий майдондаги саноат махсулотларининг бир канчасига ишлаб чикириш пайтида чўчканинг айрим аъзолари куйидаги шаклда кўшилади;

### **Биринчи: чўчка териси ва суяклари**

Ушбу суяк ва терилардан химиявий йўллар билан чўчка желатини номли модда ишлаб

чикилади ва у икки навдан иборат:

Желатин(б)дори дармоларни кадоклаш жараёнида каттик желатинли капсулаларда жуда кенг кўламда тиббий саноатда кўлланилади.

Желатин(а)аксари озик-овкат саноатида ва куйидаги тиббий саноат маҳсулотларида хам ишлатилади:

- Пластмасли ёки каттик медицина капсулаларини, микро дориворлик капсулаларни тайёрлаш.
- Каттик ва юмшок, шунингдек ичига дармон тўлдирилган эмулция таблеткаларини тайёрлаш.
- Тиш пасталари, суспензий, маз суртмалари, помада ва кремлар ишлаб чикиши.
- Тез эриб кетишнинг олдини олиш учун желатин билан усти ўралган фармацевтик таблеткалар ва айрим ашёлар ишлаб чикиши.
- Баданда эриш хусусияти борлиги учунорка ва олд жинсий аъзоларга тегишли тиббий свечалар тайёрлаш.
- Жаррохлиқда ички кон кетишни ушлаб туришда, хамда теридаги куйиш ва хар кандай инфекцияларда кўллаш.
- Жаррохлик амалиёт ёки жарохатланиш сабабли йўкотилган коннинг ўрнини тўлдириш максадида, алтернатив ва ё кенгайтирувчи плазма ўрнида кўллаш.

### **Иккинчи: чўчка ёглари**

Айрим дори турларида, малхамларда, кремларда, косметик моддаларда, тиббий совунларда, тиш пасталарида чўчка ёги кўлланилади.

Учинчи: чўчка инсулини

Замонавий илм чўchkанинг ошкозон ости безидан олинадиган инсулиннинг канд диибети касаллигига кондаги канд нормасини туширишда таъсир килишини исботлади. Кондаги канд нормасини туширувчи моддаларнинг аксари сигир ва чўчка ошкозон ости безидан олинадиган инсулинда ёки иккаласини бир таркибга келтириб кўшгандаги аралашмада топилади. Чунки тиббиётда канд диибетида энг кўзга кўринган даволаш усули инсулин билан хукна килиш бўлиб, бугун кунда энг кўп инсулин чўchkадан олинади.

### **Тўртинчи: чўчка гепарини**

Гепарин шакаргугурт занжирларига ўхшаш бир бирига хамжинс бўлмаган кимёвий моддалардан таркиб топган кон томирларига бой аъзолардан олинадиган ёпишкок моддадир. У жумладан сигир ўпкаси ва чўchkанинг ичаклари тўкималаридан, шунингдек бир канча тирик аъзолардан хам олинади. Масалан; ўпка, жигар, кораталок, биздон ва ичаклар хужайралари, оккон танаачалари тўкималаридан олинади. Лекин сигир ўпкаси ва чўчка ичаклари тиббий гепариннинг турли шаклларини ишлаб чикиришда асос манба хисобланадилар. Хар бир гепарин(мг)100-300гача халкаро ме(IE)бирлигига тўгри келади. Гепарин турли фармацевтик шаклларга эгадир: мускулга ёки томирга килинадиган укол шакли, малхам(маз)лар, раствор, эмульсиялар. Гепариндан айрим касалликларни даъволашда ё олдини олишда истеъмол килинади. Куйида уни истеъмол килиш мумкин бўлган ўринларни зикр киламиз:

1. Юрак томирлари муолажаси. Бекарор ангина. Ўткир юрак касаллиги миокарда.
2. Бадандаги конни куюклашишининг олдини олишда.
3. Кон томирларининг чукур трамбозларини даволаш ва олдини олишда.
4. Амалиёт пайтида контомирларда коннининг куюлишининг олдини олиш ва буйрак етишмовчилиги касаллиги билан чалингандা

## **2- бахс: Чўчка аъзолари покизалик муаммолари**

Барча фукахолар чўчкани сўйиш билан халол бўлмаслигига, сўйилса хам барча аъзолари пок бўлмаслигига иттифок килишди. Моликийлар унинг жунини пок дейишади. Териси ошланса покланишини Зохирийлар, хамда бир ривоятда имом Абу Юсуф ва имом Молик (р.а) айтганлар.

Чўчка ўзи ва хам барча аъзолари хам нопок эканлигига Бакара сурасидаги оят далил бўлиб, ундаги “албатта у нажасдир” жумласидаги “у” замари Ибн Хумом, Албобратий, Ибн Хазмлар энг якин сўзга, яъни изофаланган чўчканинг гўшти сўзидағи чўчкага кайтади, десалар, Ибн Касир эса замир гўштга кайтади, дейдилар. Нима бўлганда хам икки кавлга кўра, чўчка аъзолари нопокдир, эҳтиёт юзасидан хукм килинса, нопокликка унинг барча аъзолари дохилдир.

## **2- фасл: Замонавий айрим тиббий маҳсулотларда маст килувчи моддалар**

Айрим дори дармонларга ўз тафовутига караб спирт ва шунга ўхшаш маст килувчи ва наркотик моддалар кўшилади.

### **Биринчи бахс: дори дармон саноатида спирт моддасининг ишлатилиши**

Аслидатурли маст килувчи ичимликларда мастиликни пайдо килувчи бош омил спирт хисобланади. Тиббиётда кўлланадиган спирт эса этил, рангиз, парланувчи, енгил хидли, сувга каттик мойил, таъми кескин, хавода ёнадиган, кислота ва металлар билан реакцияга кирувчи суюклиkdir. Одатда у ачитилган шакарли соклардан, крахмалли ва ширин ўсимликлардан тайёрланади.

### **Замонавий тиббиёт саноатида спиртни ишлатилиш турлари:**

- Микроб ва бактерияларни ўлдириш хусусиятидан келиб чикиб узок муддатгача микроб, бактерия, микроорганизмларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун озука ва тиббий дори дармонларга кўшилади. Ушбу вазифани маҳсулотнинг 20% фоизигача бўлган микдорда бажаради, акс холда у саломатликка заар беради, хатто бўшашишлик, мастилик ва асаблар кучсизланишидан иборат касалликларни келтириб чикаради.
- Дори дармонларнинг ютумини осон килиш максадида мазасини яхшилаб бериш учун кўшилади. Айрим холларда у маҳсулотнинг 50% фоизигача кисмини ташкил килади. Барча суюкликлар, сироплар, хазм килдирувчи моддаларга мазаси ютумли бўлиши учун спирт, баъзида арок кўшилади.
- Дори-дармонларда доривор ўсимликлардаги таъсирли моддаларни йўкотиш учун кўлланилади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, аксар ана шундай моддалар спирт ёрдамида эриб кетади ва олиб ташланмаслиги натижасида эса пастга тушиб тўпланади. Окибатда таъсирли моддалар кўпайиб кетиб, истеъмол килувчига жуда катта хавф тугдиради, хатто ўлимгача олиб бориши мумкин. Бундан ташкари у спиртдан бошка

нарсада эримайдиган даволовчи моддаларга дори тайёрлаш асносида эриган холатга келтириш учун кўшилади.

Бундан ташкири парланадиган моддаларга махсулотда яхши таъм ва ёкимли маза колдириш максадида ва сувда эримаганилиги сабабли эритиш учун кўшилади.

□ Айрим дориларда спирт даридан устун ўларок кўлланилади. Айникса ёш болаларга бериладиган корин, буйрак санчигини колдириш, йўтални тинчлантириш, уйкузизликда ухлатиш, судурги ва аллергияга карши, бадан метил алкоголи билан захарланганда, буйракни ювиш учун бериладиган дорилардаги каби.

## **2-бахс: Канд қасаллиги пайдо бўлишида спиртнинг таъсири**

Спирт моддаси бир канча захардан иборат таркибга эга. У марказий нерв системасининг марказий нерв толаларини ухлатиш ва тўхташишга кодир захардир. У мияда наркотик ва енгил тинчлантирувчилик амалини бажаради. Уйку ва мудрашни тезлаштиради. Конга аралашуви канча кучайса, таъсири шунча кўпаяди. Унинг 0,4% мия фаолиятини тўхташишга етарлидир. 0,40%да миянинг иш фаолияти тўхтаб, 0,50 %да миянинг нафас олиши якунланади. Табиблар, химиклар ва бошкалар бир керакли микдордрги дори дармонлардаги спиртлар хам инсон саломатлигига заарли эканини айтишган. Улардан баъзиларини муҳтасар зикр киламиз:

1. Кислота кўпайиши ва ошкозон яллигланиши.
2. Болаларда мия фаолиятига заарли таъсир килади ва уларнинг акл ва зехнлари ўсишига монеълик килади.
3. Уламолар масти килувчи нарсаларнинг айни ўзида ихтилоф килишган.

Жумхур уламоларнинг наздида хамр деб, узумдан олинмаса хам барча масти килувчи нарсаларга айтилади. Ханафийларда эса узумдан олинмаганларига хамр дейилмайди. Хуроса килиб айтганда, жумхурда масти килувчи модда нима бўлишидан каттий назар уни харом, дейдилар. Ханафий мазхабининг икки шайхи (Абу Ханифа ва Абу Юсуф) наздларида айрим масти килувчи моддаларнинг масти киладиган микдоридагинаси харом бўлади, дейдилар. Икки мазхабнинг далилларига караганда жумхурнинг далили кучлироқдир. Масти килувчи ичимликнинг оз, кўпбўлишига карамасдан, нимадан олинишидан катъий назар, уларнинг барчасини хамр, яъни арок дейилади. Шунга кўра ишлаб чиқаришларда махсулот ичига оз микдорда спиртли моддалар кўшилган бўлсада истеъмол килиш мумкин эмас. Фармацевт Абдул Охир фармацевтика илмий технологиясида бир канча эритувчилар каторида сувни махсус шароитларда эритувчи эканлигини кашф килингандан кейин, бу хусусда масти килувчи моддаларга эхтиёж колмаганлигининг хабарини берди. Масти килувчи моддаларнинг асосини спирт ташкил килгани учун уламолар айни нажасми ё йўклигига ихтилоф килиб иккига бўлиндилар. Биринчи кисм уламолар хамр нажасдир, дейдилар. Ушбу кавл ханафийлар моликийлар, шофеъларнинг барчаси, ханбалийлар вайбн Хазм, зохирийларникидир. Газзолий унинг нажосат эканига ижмо бўлганини накл киладилар. Ханафийлар эса уни бавл каби оғир нажас эканини айтганлар. Иккинчи кисм уламолари айни нажас эмас, балки покдир, дейдилар. Ушбу кавл Рабиъа, Хасан Басрий, Лайс, Музаний ва айрим мутааххир моликийларнинг сўзлариidir. Имом Шавконий ва Санъонийлар ушбу кавлни рожих кўришган.

## **2- боб: Саноатнинг нопок нарсаларни покизага,□ харом нарсаларни мубохга айлантиришдаги ўрни, таъсири**

Юкорида зикр килганимиздек, замонавий ишлаб чикарилаётган махсулотларга турли йўллар билан харом ва нопок нарсалар, айримларига кимёвий ва кимёвий бўлмаган моддалар аралашади. Махсулотлар тайёр бўлиш асносида турли хароратларга йўликади. Окибатда нопок ё харом бўлган нарсаларнинг айни ўзгариб махсулотга аралашиб, сингиб кетиб, ишлаб чикарилишдан олдинги холатидан бошка бир холатга айланади. Булардан кейин махсулотларда харом ва нопок нарсалар ўзини кай даражада акс эттиради? Уламолар бу хакда куйидагиларни баҳс килишди:

**1-фасл: Истихола (нарсаларнинг кўриниши хамда таркибий моддалари алмашуви) ва моддаларни бир бирига киришиб кетиши ёки шунчаки аралаши орасидаги фарки**

**1-баҳс: Истихоланинг хакикати**

**Фукахолар урфидағи истихоланинг маъноси**

Ибн Обидиннинг таърифларига кўра: “Нажосатнинг айни ўзгариб, хакикати иккинчи хакикатга кўчиши”, дир.

Кимёгарлар урфида: Доктор Хавварий шундай таъриф килади: “Кимёвий реакциялар (хар кандай ёѓларни совунга айлантиргани каби) моддаларни иккинчи таркибга айлантиришига айтилади”.

**2-баҳс: Истихола билан кимёвий аралашув ва бирикувнинг фарки**

Кимёвий аралашув: маъданларни кислота билан реакцияга келтириб, туз чикаришга ўхшаш реакциялаштирилган моддалар хусусияти эриб кетиб, ўзи ўзгариб, окибатда янги моддалар пайдо бўлишига айтилади.

Моддаларнинг бирлашуви: Модда бўлаклари бир бирига бирикиб, ундан газ, суюклиқ, юмшоклик, каттик моддалар парчаланиши, ёпишкоклик, эмулсиялар, коришкоклик пайдо бўлишига айтилади. Бунда барча модда аралашмасликдан олдинги табиий, кимёвий хусусиятларини ўзида саклаб колади. Бирикишдан сўнг пайдо бўлган ранг, таъмга ўхшаш айрим табиий кўринишлар хакикатга таъсири килмайдиган, янги пайдо бўлган сифатлардир.

**2 -фасл: Харом ёки нопок нарсаларнинг ўзида истихоланинг таъсири ҳакида уламолар карашлари.**

Уламолар бу борада икки мазхабга бўлинганлар:

**Биринчи мазхаб карашлари:**

Нопок нарсаларнинг тоза ёки харом нарсаларнинг халол бўлишида истихолани хеч кандай таъсири йўқ. Балки нарса истихоладан олдинги хукми кандай бўлса ана шу холда колади. Бу шофиъий мазхаби, ханбалий мазхабининг зохири, баъзи ханафийлар ва моликийларнинг сўzlари.

Далиллари:

1. Ибн Аббос ривоят килган: “Жаллоланинг сутини ичишдан кайтардилар” (Жаллола-Ўз нажосатини ейдиган ўй хайвонлари).

Ушбу хадиснинг далолати; нажас егани учун, еган нарсаси нажосат бўлгани сабабидан сутга айланса хам истихоланинг таъсири йўклигига далил бўлади.

2. Истисхоб. Хайвонлардан чикадиган гўнг, чўчка ва кучук айни нажосат деб хукм килинган бўлиб, айни нажосат деб хукм килинган нарсалар хукми бошка моддага истихола бўлса хам, айни йўқ бўлгунича истихоладан олдинги хукмга истисхоб бўлган

холда нажосатлиги кетмайди.

### **Иккинчи мазхаб карашлари:**

Албатта нопок нарсаларни тоза килишда ёки харом нарсаларни халол килишда истихоланинг таъсири бордир. Бу жумхур ханафийлар, моликийлар ва зохирий мазхабининг сўзлари.

Далиллари:

1. Ушбу оят покиза нарсаларнинг халоллиги ва пок бўлмаган нарсаларнинг харомлигига далолат килмоқда. Истихолада нопок нарсанинг сифатлари кетказилиб покиза холатга келтирилади.
2. Ибни Аббос ривоят килган хадис: “Хар кандай тери ошланса тозадир.”
3. Киёс. Хар кандай нажосат нарсабошка нарсага айланса, арокнинг сиркага айланганига киёс килган холда покдир.

Муаллиф наздида далиллари кучлирок эканлигидан биринчи кавл рожихдир.

Истихолада асосан айний хакикат ва сифатлар ўзгариши шарт килинади. Тери ошланиши масаласида тери ошланишдан олдин хам, кейин хам терилигича колмоқда. Худди шундай жаллола(нажас еган гўшти ва ё сути ичиладиган уй хайвони) маҳсулотларидан истеъмол килиш нажаснинг айнан истихола бўлишига далил эмас. Камаб кўйишдан олдинги ва ё кейинги жаллоладан мубоҳ бўлган маҳсулотларнинг айний хакикати бирдир. Балки уни нажас егани учун маҳсулотини истеъмол килиш харомлиги истихолани нарсаларни ўзгартиришда таъсири йўклигига далилдир, дейдилар.

### **3-фасл: Ишлаб чиқариш натижасида харом ёки нопок нарсалар айнида истихоланинг кай даражада таъсири**

Фармацевтика саноатида ишлатилаётган харом ёки маст килувчи ёки нопок моддаларга караладиган бўлса, уларнинг айримларидан тайёрланган маҳсулотда, дори дармонларда истихола холати кузатилади, айримларида эса кузатилмайди.

Жумладан чўчка суяклари ва терисидан олинадиган желатин моддалари ишлаб чиқариш жараёнида аслийсидан фаркли ўларок физиологик ва кимёвий сифатларга эга бошка моддага истихола бўлсада, асл чўчкалик моддалари ундан тайёрланган маҳсулотда бутунлай истихолага кирмайди. Шу муносабатдан келиб чикиб, Мисрдаги тиббий желатинли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи араб ширкати раиси, академик, доктор Вафик Шарковий чўчкалар териси ва суяклари факат жузъий ўзгариб, аммо бутунлай истихола бўлмаслигини ва уларни хатто тайёрланган маҳсулотлар ичидан хам маҳсус химикатлар ёрдамида, чўчка териси ва суягидан олинганми, йўқми билса бўлади. Чунки бу чўчка желатинида айрим ўзига хос хусусиятлари борлигидандир, дейдилар. Академик доктор Лайло Абдулфаттохнинг берган тарифига кўра, чўчка ёги хам худди суяклари ва териси каби айрим маҳсулотларда истихола бўлса, айримларида истихола бўлмайди. Чўчка ёги билан бошка хайвонлар ёки ўсимлик ёѓларининг тахлилидан хулоса аникландик, чўчка ёги бошка ёѓлардан таркибидаги гилсрида моддаси борлиги, хамда ичидаги тўк ёғли кислоталар билан фаркланди. Худди шундай чўчка ошкозон ости безидан олинадига инсулин хам дориларда ўз физик ва химик сифатларини саклаб колади. Факат унинг ошкозонидан ва бошка тирик аъзоларидан олинадиган гепарит моддасигина фаркли бўлиб, у бутунлай истихолани кабул килади. Лекин бунда хам маҳсулотга харом кўшилганда у билан даволаниш жоиз ва ёки жоиз эмаслиги ва истихоланинг харом

нарсаларни халол бўлишига кай даражада таъсирига каралади.

### **3- боб: Харом ёки нопок нарсаларни ўз ичига олган тиббий маҳсулотларни ишлаб чиқариш хукми**

Юкоридаги барча баҳслардан кейин уламолар ихтиёрий равшда. (ихтиёрий холат харом дори дармон үрнига даволаш учун халоли топиладиган, табиб касалнинг дардини даволашга хосламаган.) харом ва нажас нарсалар билан даволанишни харом эканига иттифок килишди.

Фукахолар зарурат юзасидан харомни истеъмол килишда икки фикрга бўлиндилар.

1- Жоиз деганлар. Улар айрим ханафийлар, шофеъилар ва зохирий мазхаб эгалари. Далиллари:

Аллоҳ харом килганларининг ичида зарурат бўлганда сокит килди. Даволаниш хам зарурат ўринларидандир. Ушбу оятга суюниб, зарурат пайтида харомни истеъмол килиш мубоҳдир.

Урайна хадиси. Урайна кабиласидан келганлар коринлари шишганидан шикоят киладилар. Расулуллоҳ (с.а.в) уларга тұя сути ва бавlidан ичишга рухсат берадилар. Кейин улар шифо топадилар.

2- Жоиз эмас деганлар. Жумхур ханафийлар, моликийлар, айрим шофеъийлар ва ханбалийлар.

Далиллари:

Оятда Аллоҳ таоло нопок нарсаларнинг барча кўринишидаги истеъмолини харом килди.

Умму Салама (р.а)онамиздан ривоят килинган хадис: “Албатта Аллоҳ харом килган нарсаларда умматимга шифо килмади.”

Мусанифнинг фикрича рожих кавл биринчи мазхаб эгалари бўлиб, барча шартларига риоя килган холда инсон саломатлиги ва хаётини саклаб колиш борасида у кавл кучлидир. Иккинчи мазхабнинг далилларини зарурат бўлмаган ёки айрим шартлари топилмаган холатга йўйилади. Зарурат пайтида харомлик кўтарилади, шунда у мубоҳ билан даволанган хисобланади. Шундан келиб чишиб, халол кўшимчалар кўшиш имкони бўла туриб харом кўшимчалар кўшиш мумкин эмас. Керак бўлган такдирда оддий ва дори-дармон билан даволаш учун харом, наркотик, маст килувчи ва нопок нарсалар кўшилган маҳсулотни комил мусулмон табиб тавсияси билан ва ундан бошка даво топилмаган пайтда истемол килиниши жоиздир.

### **4- боб: Фармацевтика саноатда харом ёки нопок нарсалар үрнига покизасини алмаштириш имконияти**

1-фасл: Тиббий саноатда чўчка каби нопок хисобланган нарсаларни ишлатиш үрнини босадиган покиза нарсалар

Асли чўчкадан тайёрланган дори дармон, озик овкатларга кўшиладиган инсулин, гепурин ва желатин эмульгаторларни тайёрлашда, мусулмон ўлкаларида йилига бир канча миллиард микдорида сўйиладиган тұя, сигир, кўй ва эчкиларнинг аъзоларидан олса хам бўлади.

### **2- фасл: Тиббий саноатда спирт ишлатиш үрнини босадиган жоиз нарсалар**

Дунё фармацевтик саноатида келиб чикараётган заарларига кўра спиртни ишлатмаслик йўлга кўйилмоқда. Бу хакда доктор Ахмад Ражоий шундай дейди: тажрибалар шуни кўрсатмоқда бундан кейин иложи борича айникса ёш болалар ва

хомиладорларга хос дори дармонларда спирт моддаси кўшилмайди. Тиббий илмлар Исломий канфренсияси бу хакда катта муваффакиятли ишларни амалга ошириб жумладан спиртсиз дори дармон ишлаб чикаришга хам муваффак бўлдилар. Профессор Мухаммад Абдуссалом шундай дейди: дори дармон саноатида жуда хам кўп дориларда, хатто ёш болалар ва хомиладорлар дорисида хам спиртни парчаловчи вазифасида кўллаш кенгаймокда. Дунё согликни саклаш ташкилотининг Женевадаги 7-курултойида 4-5/10/1985 фармацевтлар ва фармацевт химиклар орасида спирт моддалари ўрнига спиртсиз бошка разбавател, сакловчи, ютимни осон килувчи шаклдаги моддалар кўшишга шартнома имзоланди. Хакикатда хам бир канча дори дармонни дунёни турли ўлкаларига экспорт килувчи ширкатлар томондан бу амалга ошди. Доктор Ахмад Абулвафо ушбу дорилардан 73 навини зикр килди.

## Хотима

Ислом оламида ишлаб чикарилган ёки унга бошка гайриисломий ўлкалардан келтирилган дори дармонлар саноати воеийлигини тезкор рисоласидан кейин куйидагиларни хулоса киласиз:

1. Юкорида атилганидек, айрим нопок моддалар ичига кўшилган дорилар ишлаб чикариш жараёнида истихолага учрамайди, инструкциясида дорининг ичидаги бошка таркиблар билан аралашади. Ушбу аралашиш эса унинг хакикати ва сифатини ўзгартирмайди. Шунингдек аксар нажас ва харомлар хам тўлаконли истихола бўлмайди. Чунки унинг айни, сифати ва хусусиятлари олдингисидек колаверади.
2. Фукахолар нопок нарсаларни айнининг ўзгаришида истихоланинг таъсири масаласида бир хил карашда эмаслар. Истихоланинг таъсирига таслим бўлганда хам, нопок нарсалар кўшиб дори тайёрлаш хукми, уни истеъмол килиш хукми билан тенгdir.
3. Уламолар бир овоздан, ишлаб чикаришда харом кўшилган маҳсулотларнинг истеъмолини модомики ихтиёрий холда бўлса, кўшилган харом модда йўқ бўлиш ва бўлмаслигига карамай, харом дейишган. Юкоридагига кўшимча холда айтамизки, хожат бўлмаганда, ўрнига халоли топилганда ва топиш узрли бўлмаганда уларни ишлаб чикариш хам харом бўлади.
4. Зарурат пайтида ва заруратнинг барча шартлари топилганда, таркибида нопок ва харом мавжуд бўлган дори дармонларни эхтиёж микдорида истеъмол килиш жоиздир.
5. Таркибида харом модда мавжуд дориларни зарурат микдорича ишлаб чикариш, унинг истеъмоли каби хукмга эгадир.

## Саудия доимий уламолар кўмитаси фатволари

Инсоннинг кундалик эхтиёжлари хисобланган маҳсулотларни хайвон ёки ўсимлик

моддаларидан олиниши керак.

Инсоннинг кундалик эхтиёжларини кондирадиган аксар махсулотлардаги эмульгаторлар масдари икки нарсадан холи эмас. Биринчиси хайвон аъзолари. Иккинчиси ўсимлик ва кимёвий моддалар. Хайвонлардан олинадигани хам иккига бўлинади.

1. Гўшти халол ва шаръий йўл билан сўйилган ва денгиз хайвонлари.

2. Гўшти харом хайвонлар ва ўлаксалар.

Бир катор уламолар агар киши истеъмол киладиган махсулотда иккинчи кисм хайвонлар борлигида гумон килса, Расууллоҳ (с.а.в)нинг: “Шубхаланган нарсангни тарқ килиб, шубхаланмаган нарсангга ўт”, деган сўзларига биноан уни тарқ килмоги керак ва истеъмоли жоиз эмас, деганлар.

1995-йил, 22-24-май, 1415-хижрий йил, 22-24-зулхижжа Кувайт давлатида “Озик овкат ва дори дармонлардаги харом ва нопок моддалар” мавзусида Тиббий илмлар бўйича исломий ташкилотининг анжуманида бир канча карорлар кабул килинди.

1. Пишлоклар, турли ёвлар, каймок, бисквит, шоколад, музкаймок ва х.к махсулот таркиби; уламоларнинг чўчка ёги нажосатлиги ва уни ейиш халолмаслиги, натижада музтарлик йўклигига ижмо килганлари сабабли айни ўзгармаган чўчка ёги кўшилган озукалар харомдир. Ўша моддалар качонки бошка бир моддага айланса уламолар наздида истихола деган коидага биноан асл хукми ўзгаради. Бу икки жихатдан эътиборлидир. Биринчи жихат: ўзи халол бўла туриб, нажосатга айланса харом хукмини олади. Иккинчи жихат: ўзи нажас ва нопок бўлиб, халол ва покизага айланса мубоҳ ва халол хукмини олади.

2. Саккизинчи карорда эса истихола коидасига кўра бир моддани айни хам сифати хам иккинчи моддага айланганидан нажасни тозага тозани нажасга айлантиради. Шунга биноан: нопок хайвоннинг суяги, териси вапайларидан истихола йўли оркали тайёрланган желатин эмульгаторлари пок ва халолдир. Ўлимтик ва чўчка ёгларидан истихола йўли билан ишлаб чиқарилган совун ва парфюмерия махсулотлари истихола деб аталган коидага кўра покиза ва дурустга айланади. Гўшти халол, ейиладиган бузокчалар киндик сувидан тайёрланган пишлоклар покдир. Чўчка ёгидан тайёрланган ва бутунлай айни ва сифати истихола бўлмаган барча турдаги парфюмерия турлари крем ва балзамлар харомдир ва ишлатиш жоиз эмас. Качонки ёглик хусусияти ва айни ўзгарсагина ишлатиш жоиз бўлади.

Пайгамбар (с.а.в): “Овланган халол нарсани сувга чўккан холда (чўкиб ўлганми ёки унинг ўки билан ўлганми билинмагани учун) топилганда ейишдан кайтаргандар.”

Пайгамбар (с.а.в): “Овлаётган итингга бошка итлар кўшилганини кўрсанг ема. Чунки сен ўзингнинг итинг учун “бисмиллах” дегансан колганларга эмас.”

Юкоридаги хадисларда хукмга энг якин сифатлар хилофи топилмагани учун истисхоб(аник бўлганидан охирги кўринган сифат ё холатни кўлламок) килинмоқда.

Забихаларда асли харомлик устундир. Шунинг учун мубоҳ килувчи шарт топилмаганда, аслидаги харомлик бокий колади.

Агар эмульгаторлар кимёвий ёки табиий бўладиган бўлса истеъмоли жоиздир. Агар бошкаларига кўшилиб ё ўзи заарали ва захарли холатга айланса ундан кайтарилади ва истеъмоли ножоиз бўлади.

Мусулмон киши овкатида, ичимлигига, либосида ва хаётининг барча жабхаларида эҳтиёткор бўлмоги лозим.

Доимий кўмита уламоларидан баъзи бир кундалик тозалик воситаларида жумладан самеу, palmolive совунларида colgate тиш пастасида чўчка ёги борлиги хакида сўралди.

Бу шунчаки таркатилган хабар, миш-мишдан бошка нарса эмас.

Кимёвий пишлоклар таркибида хам чўчка ёги бор, деган миш-миш кўп таркалди. Амалда эса бу ўз исботини топмади. Аслида нарсаларда поклик устувордир. Шунинг учун кимда-ким бир маҳсулотда аник чўчка моддалари борлигини билса, ё гумони кўпроқ бўлса унда истеъмоли дуруст эмас.

Мухаммад Аюб Усмон

Имом Мухаммад Мунаввар

Фазлуддин Сувон

Масъул мухаррир: Мухаммад Аюб Усмон